

**Таълим самарадорлигини оширишда интерфаол дарс
режаларини тузиш.**

Хайитова Феруза Туробовна

Деҳқонобод ТХТМФТ ва ТЭБ бошланғич
таълим методисти

Халқимиз ҳаётида XX асрнинг 90-йилларида буюк бурилиш бўлди, яъни ватанимиз ва бунёдкор халқимизга мустақилликдек буюк неъмат ато қилинди. Биз бошланғич таълим-тарбиянинг оммавий тус олишида Ватанимиз зиёлиларининг ўз даврида олиб борган катта фидойиликларини эътироф етган ҳолда бугунги кун таълими Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этаётганлигини ҳам мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси онгли равишда ёш авлодга ўтади. Демак, ўқитувчи ва мураббийлар олдида ғурурли, инсон ақл-заковати ила яратилган миллий, моддий ва маънавий меросимиздан хабардор бўлган баркамол авлодни шакллантиришдек буюк истикболли вазифа турибди. Бу вазифани бажариш орқали миллатнинг, жамиятимизнинг тараққиёти сари улкан ютуқларни қўлга кирита олиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад ёшларга замонавий педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бериш ва сифатли дарс ўтишдан иборат.

Ҳар қандай дарс самарали бўлиши учун - тўрт асосий элементни ўз ичига қамраб олиши лозим:

1. *Қизиқтирув – (мотивация)*
2. *Тақдимот – (презентация)*
3. *Амалиёт – (практика)*
4. *Натижа – ўзлаштириш даражасини текишириш.*

Ушбу тўрт асосий элемент ўқитувчига катта имкониятлар яратиб, ўқувчилар билан бевосита мулоқот қилишга ёрдам беради ва уларга билим

беришдаги анъанавий усуллардан фаркли ўлароқ, дарсда ўқувчиларнинг фаол иштирок қилишини таъминлайди. Бунда ўқувчи ва ўқувчилар бирор-бир мавзунини ўрганишнинг тўрт босқичдан иборат ўзига хос цикл бўйлаб ҳаракат қиладилар. Унинг биринчи босқичида ўқитувчилар ўқувчиларнинг билим олишларини қаттиқ назорат қиладилар, кейин эса уларга эркин муҳитда бемалол ҳаракат қилишга ва фикр алмашилишга имкон берадилар. Юқорида айтиб ўтилган тўрт босқичнинг моҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Қизиқтирув – мотивация. Дарс режангизнинг ушбу қисмида сиз ўқувчиларингиз билан дарс мавзусига боғлиқ шундай қисқа бир ўйин ёки тадбир ўтказасизки, бу уларнинг диққатини торсин ва мавзунини ўрганиш учун қандайдир қизиқиш (стимул) ярасин. Бу босқичнинг давомийлиги кўпинча 4-5 дақиқа атрофида бўлиши ва унинг ўрганилиши лозим бўлган мавзуга мос келиши катта аҳамиятга эга.

Тақдимот – презентация. Дарс режасининг бу қисми янги мавзу билан боғлиқ янги материаллар бериш ёки мавзунинг бир қисми билан боғлиқ маълумотлар, далиллар, қоидалар тақдим қилиш фаолияти билан узвий боғлиқ. Бунда асосий мақсад ўқувчиларингизнинг билган нарсаларини асос қилиб олган ҳолда билмаганлари ҳақидаги билимлари даражасини оширишдир. Агар сиз олдинги дарсда ўтилган материалларни қайтарадиган бўлсангиз, уларни бу сафар янги ижодий нуқтайи назардан ёритишингиз лозим бўлади.

Амалиёт – практика. Дарсингизнинг ушбу қисмида сиз ўқувчиларнинг олдинги босқичда олган билимлари асосида уларни амалий фикрлашга ўргатиш, назария билан амалиётнинг қандай бир-бирига боғлиқлигини намоёни қилиш, назария асосида маълум бир қоидалар мажмуасини биргаликда яратиш ёки уларга буларни ёрқин мисоллар воситасида ўргатишни амалга ошириш лозим бўлади. Бундай турфа хил амалий машғулот турларини дарсдан олдин тай-ёрлаб келишингиз мақсадга

мувофиқ. Сиз дарс жараёнида ўқувчилар ба-жараётган ишларини диққат билан кузатишингиз, янги маълумотларнинг тўғри ўзлаштирилаётганига аҳамият беришингиз ва амалиёт билан назариянинг бир-бирига қўпол равишда қарама-қарши келиб қолмас-лигига эътибор беришингиз зарур бўлади. Агар шундай бўлиб қолса, бу-нинг сабабларини аниқлаб, ўқувчиларга атрофлича тушунтиришингиз лозим.

Натижа – ўзлаштириш даражасини текшириш. Мавзунинг янги ўрганилган материалларини ўқувчилар билан муло-қот қилган ҳолда муҳокама қилиш ва бу жараёнга уларни иложи борида кўпроқ жалб қилиш яхши натижаларга олиб келади. Агар бирор-бир қоида, далил, қонун, кўрсаткич ёки тартибот ўқувчиларга тушунарсиз бўлиб қолгани маълум бўлиб қолса, буларни тушунтиришга ҳаракат қилиш ва уларнинг туб моҳиятни англаганликларини ҳис қилиш. Ўқувчилар ушбу босқичда сиз берган ғоя, фикр ёки назариянинг асосий жиҳатларини ўз-лаштириб олиш учун қулай имконият олишлари лозим. Бу эса тамомила сизнинг малакангиз, дарс режангиз, қолаверса, услубиятингизга боғлиқ.

Юқорида кўриб ўтилган босқичларнинг маъноси ва моҳиятини қуйида, ўқиш фанидан дарс бериш режасини тузиш жараёнида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Қизиқтирув – мотивация

Мақсад	Ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ошириш ва уларнинг таълим олиши учун қулай маънавий-маърифий шароит яратиш
Фаолият турлари	1. Шахсий кузатув ёки тажрибалар муҳокамаси 2. Қизиқарли ҳикоялар ҳақида маълумот бериш 3. Ҳикоя матнини овоз чиқариб ўқиш 4. Ҳикоянинг муаммосини ёки ҳолатни муҳокама қилиш

	5. Берилган ҳикоя ҳақида эркин баён ёзиш
Ўқитувчининг роли	Бошқарувчи ёки раҳбар сифатида
Ўзаро муносабат тури	Ўқитувчи-Ўқувчи Ўқувчи-Ўқувчи
Назорат даражаси	Фаолият турига қараб, назорат орқали ёки эркин ҳолда
Хатоларни тўғрилаш	Ҳеч қандай тузатилишга йўл қўйилмайди ва натижада ўқувчилар ўзларини эркин ҳис қиладилар
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	1. Қисқа вақтда 2. Кўпинча дарснинг бошида

Тақдимот – презентация

Мақсад	1. Ўқувчиларга ҳикояни ўрганишнинг фойдалилигини ва зарурлигини тушунтириш 2. Берилган ҳикояни ичидаги янги атамаларнинг маъносини ва ифодаланиш усулларини кўрсатиш
Фаолият турлари	1. Ўқувчилар ҳикояда қўлланиладиган тушунчаларни қайтарадилар 2. Мавзунини ёзиб оладилар 3. Ҳикоя матни ўқийдилар
Ўқитувчининг роли	Анъанавий равишда маълумот бериш
Ўзаро муносабат тури	1. Ўқитувчи – ўқувчи биргаликда 2. Ўқувчилар-ўқувчи билан алоҳида
Назорат даражаси	Қатъий назорат, ўқитувчи алоҳида аҳамият касб этади
Хатоларни тўғрилаш	Ўқитувчи учун ўқувчиларнинг хатоларини тўғрилаш ҳамда керакли тушунтиришлар бериш алоҳида аҳамият касб этади

Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	1. Қисқа 2. Кўпинча дарснинг бошида
--	--

Амалиёт – практика

Мақсад	1. Ҳикояни тушунтиришда ўз-ўзига ишонч муҳитини юзага келтириш
Фаолият турлари	1. Тайёрланиш 2. Савол-жавоблар 3. Маълумот бериш ва фикр алмашиш 4. Ёзма равишда ҳикоя тушунчаларни ифодалаш 5. Ўрганилаётган мавзуга мос равишда ниманидир бажариш
Ўқитувчининг роли	Бошқарувчи ва тўғриловчи
Ўзаро муносабат тури	Ўқитувчи-ўқувчи Ўқувчи-ўқувчи
Назорат даражаси	Назорат амалга оширилган шароитда ўқувчиларга чегараланган имкониятлар берилади
Хатоларни тўғрилаш	Ўқитувчи, ўқувчи ёки ўз-ўзини тўғрилаш
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	1. Ўқувчиларнинг талабларига боғлиқ равишда 2. Тақдимот билан тугалланиши лозим ёки текшириб кўрилиши керак

Натижа (ўзлаштириш даражасини текшириш)

Мақсад	1. Ўқувчиларга ҳикояни эркин мулоқот шароитида яратувчанлик билан ўрганишларига шароит яратиш 2. Ўрганиш жараёнини текшириш
Фаолият турлари	1. Ўйинлар

	2. Ёзма иш 3. Сўзга чиқишлар 4. Рол ўйнаш 5. Гуруҳли иш бўйича ҳисобот бериш 6. Интервьюлар ўтказиш 7. Плакатлар чизиш 8. Кўрсатма ёки стендлар қилиш
Ўқитувчининг роли	Маслаҳатчи, ишга қизиқиш уйғотадиган
Ўзаро муносабат тури	Ўқувчи-ўқувчи (жуфтликлар, гуруҳлар, тасодифий ёки қизиқишлар бўйича кичик гуруҳлар)
Назорат даражаси	Эркин равишда
Хатоларни тўғрилаш	Асосан ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва бунда аралашув минимал равишда бўлиши лозим
Қанча муддат ва дарснинг қайси қисмида	1. Қандай иш амалга оширилаётганига боғлиқ 2. Такдимотдан сўнг ёки амалиёт тугаганидан кейин 3. Бир дарс ёки бир неча дарслар давомида

Энди фараз қилайлик, Сизга кимдир қандайдир она тили ёки бошқа йўналишдаги дарс режасини тайёрлаб олиб келди: *Унинг самарадорлигини ва фойдалилик даражасини текшириш қандай амалга оширилади?*

Бу ишни амалга ошириш учун қуйида келтирилган тартибда ишла-сак ва фикр юритсак, яхши натижалар олишимиз мумкин.

Дарс режасини текшириш кетма-кетлиги:

- Дарс жараёнида ишлатилаётган материал ва ўрганилаётган мавзу унинг реал ҳаётда қўлланилишига мос келадими ёки йўқми?
- Ўқувчилар сизнинг дарсингиздан қониқиш ҳосил қилдиларми? Агар бундай бўлмаса, уларни қизиқтириш учун сиз нима қилмоқчисиз?
- Ўрганиш цикли билан боғлиқ савол: Сизнинг режалаштирган дарсингизда назорат қилинишда эркинликка қараб йўналган ҳаракат

мавжудми?

- Сизнинг дарсингизда мотивация қилинишга, тақдимотга, амалиётга ва натижага бағишланган фаолият турлари борми?
- Дарснинг натижавий ташкил этувчи қисмлари ўқувчиларга улар нима дейишлари ва қандай қилиб гапиришлари ҳақида маълумот бера оладими?
- Дарсдаги кўрсатмаларингиз ва вазифаларнинг бажарилиш тартибини ўқувчиларингиз аниқ тушуна оладиларми?
- Дарс тадбирлари ўқувчиларнинг биргаликда ишлаши, фикр алмашиши ва ўқитувчи билан бемалол мулоқот қилишига имкон яратадими?
- Дарсда ишлатиладиган атамаларнинг аниқ маъноси сизда борми?
- Дарсда ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаш каби малакаларни ривожлантиришга ҳам имкон бериладими?
- Дарс сизнинг гуруҳингиз учун жуда осонми ёки жуда ҳам мураккабми?
- Сиз ўз синф тадбирларингизни оддий шароитларда ва берилган вақт доирасида ўтказа оласизми?
- Агар вақтингиз кўпроқ бўлса, яна нималар қилардингиз?
- Дарсда маданий-маънавий жиҳатдан мос келмайдиган материаллар ва маълумотлар мавжудми? Агар шундай бўлса, сиз нима қилишни режалаштиряпсиз?
- Уй вазифаси беришни режалаштирганмисиз?
- Дарс вақтида ўқувчиларни қизиқтириш учун яна нималар қилмоқчисиз?

Ушбу саволлар мажмуасига риоя қилинса, ҳар қандай фанга оид бўлган дарс режасини ҳам тўла текшириб, унга маълум бир маънодаги қўшимча ривожлантирувчи элементлар қўшиш мумкин бўлади.